

Яхши амални тезроқ адо қилиш



12:34 / 23.10.2025 1037

Ҳакимул уммат, Мавлоно Ашраф Али Таҳонавий қуддиса сирруҳ шундай дер эдилар: «Қалбга, бирон яхши амални қилиб олай, деган ўй-фикр келиши сўфийлар истилоҳида «ворид» дейилади. Яъни, мен шу савоб ишни қилай, намоз ўқиб олай, таҳажжудга турай, садақа берай, биродаримга ёрдам қилай, дўстимнинг ғамини кетказай деган каби ўй-фикрлар «ворид» дейилади. «Ворид» Аллоҳ таоло тарафидан келган меҳмондир. Агар сен бу меҳмонни бироз бўлса ҳам иззат қилсанг, меҳмоннавозлик кўрсатсанг, у ҳолда яна келади. Қайси яхши амални қилиш фикри қалбингга келса, ўша заҳоти уни бажариш меҳмоннавозликдир. Агар сен бир мартта меҳмоннавозлик қилмасанг, у меҳмон жуда ҳурматга сазовор бўлгани сабабли ҳузуринга бошқа келмай қўяди. Унинг қайтиб келмай қолишидан паноҳ сўрагин. У меҳмон қайтиб келмай қолиши, қалбга яхши амал қилиш фикри келмайди деганидир. Аллоҳ таоло сақласин. Қалбга муҳр босилса, занг қопласа, ана ўшанда яхши амал қилиш фикри келмай қолади.

Дунёга муҳаббатни қалбдан чиқариш йўли

Дунёга муҳаббатни кетказиш ва охират ғамини қалбда пайдо қилишнинг йўли бор. Йигирма тўрт соат ичидан озгина вақт ажратинг. Кечаю кундузларимиз ғафлатда ўтаётганини, ўлимни унутганимизни ўйланг, ҳали Аллоҳ таолонинг ҳузурини ҳозир бўлишдан, буюк ҳисоб-китобдан, жазо ва мукофотдан ғафлатда қолганимизни ўйланг. Шу нарсалар ҳақида

ўйлашга вақт ажратинг, бир кунмас бир кун ўламан, кейин Аллоҳ таолонинг ҳузурида қандай қилиб ҳисоб бераман? Сўровларига нима деб жавоб қиламан?, деб ўйланг. Шу ўйлар ҳар доим қалбда тирик турсин. Агар киши ҳар куни шу нарсаларни турса, бор-йўғи бир неча ҳафтада, иншааллоҳ, дунёга бўлган муҳаббат қалбидан чиқиб кетади. Аллоҳ таоло Ўзининг раҳматидан менга ва барчангизга бу айтилганларга амал қилиш тавфиқини ато этсин, амийн.

«Насиҳатлар гулдастаси» китобидан

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 4 апрелдаги 02-07/2234-рақамли ва 2023 йил 23 мартдаги 03-07/1912-рақамли хулосалари асосида тайёрланди.